



# O'ZBEKISTON OVOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

2013-yil, 28-may. Seshanba 64 (31.654)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

**Партиямиз қанчалик самарали фаолият юритаётгани аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами ҳаёти даражасини юксалтиришга, ижтимоий ислохотлар самарасини оширишга қанчалик даражада таъсир кўрсатаётганимиз билан ўлчанади.**

## БМТ БОШ КОТИБИ ЁРДАМЧИСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Мамлакатимизга ташриф буюрган БМТ Бош котибининг инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича ёрдамчиси Иван Симонович раҳбарлигидаги делегация аъзолари 27 май куни Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири Баҳодир Матлюбов билан учрашди.

Мулоқот чоғида Президент Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнида инсон ҳуқуқларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани, инсон ҳуқуқлари устуворлиги тамойилига асосланган миллий ҳуқуқий тизим яратилгани таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари соҳасидаги конвенция, шартнома ва битимларга қўшилган ҳамда бу борада ўз зиммасига олган барча мажбуриятларни бажариб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида ўтган мулоқотда меҳмонларга мамлакатимиз ҳуқуқий муҳофаза қилиш идоралари тизими, ички ишлар идоралари томонидан инсон ҳуқуқларини таъминлаш йўналишида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар тўғрисида маълумот берилди.

— Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Пан Ги Муннинг 2010 йилнинг апрель ойида Ўзбекистонга ташрифининг манتيқий давоми бўлган ушбу ташрифимиздан кўзланган асосий мақсад Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар билан яқиндан танишишдан иборат, — деди Иван Симонович. — Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Ўзбекистонда ички ишлар органлари учун ходимларни тайёрлаш, ўқитиш ва малакасини ошириш йўлида олиб борилаётган ишчил ислохотлар юксак самаралар бермоқда. Бу борада Ўзбекистон билан фаол ҳамкорлик қилиш, жумладан, соҳада турли лойиҳаларни амалга ошириш тарафдоримиз.

Шу куни делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Олий судида ҳам бўлиб, мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари бўйича яратилган миллий институтлар тизими, соҳадаги халқаро ҳамкорлик тўғрисида фикр алмашди.

Ирода УМАРОВА, ЎЗА мухбири.

## КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНING УЧРАШУВЛАРИ

Мамлакатимизга ташриф буюрган Корея Республикаси Олий суди раиси Янг Син Тэ раҳбарлигидаги делегация аъзолари 27 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Бўритош Мустафоев билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Корея Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик кўпалаб йўналишлар каби суд-ҳуқуқ тизимида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йилнинг сентябрь ойида Корея Республикасига давлат ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро алоқаларни янги мазмун билан бойитиб, ҳамкорликни янада юкори босқинга олиб чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судидаги учрашувда алоҳида қайд этилганидек, давлатимиз раҳбари Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш, жиноят, жиноят-процессуал қонунчилигини либераллаштириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларни таъминловчи мустақил суд ҳокимиятини шакллантириш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар ўзининг юксак самараларини бераётди. Қабул қилинаётган янги қонунларнинг мазмун-моҳиятини тўғри англаш учун соҳа мутахассислари малакасини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида мутахассислар алмашинуви йўлга қўйилган.

Корея Республикаси Олий суди раиси Ўзбекистонда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қону-

ний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

— Ташриф асносида Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш ва демократлаштириш, одил судловни амалга ошириш ва адолатни қарор топтириш борасида изчил олиб борилаётган ислохотларнинг юксак самаралари билан танишиш имконига эга бўлдик, — деди Янг Син Тэ. — Шунинг алоҳида таъкидлашни истардимки, истиқболда ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, мунтазам тажриба алмашиб туришдан манфаатдоримиз.

Музокарада икки мамлакат суд идоралари ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари, алоқаларни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш ҳамда тажриба алмашишнинг ривожлантиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Шу куни Корея Республикаси Олий суди раиси раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасида ҳам музокаралар ўтказди.

Корея Республикаси Олий суди делегацияси Мустақиллик майдонида бўлиб, бу ерда давлатимиз раҳбари Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишди.

Нодира МАНЗУРОВА, ЎЗА мухбири.

## ЎЗХДП: устувор вазифалар



## ҲУДУДЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИ

янада кучайишига муносиб ҳисса қўшиш учун партия ташкилотлари, депутатлик бирлашмалари фаолиятини бугунги кун талаблари даражасига ташкил этиш зарур

2-бет

## Бугуннинг гапи

## РЕСПУБЛИКАМИЗ ҲУДУДЛАРИДА 25-26 МАЙ КУНЛАРИ ЗИЛЗИЛА СОДИР БЎЛДИ

БУ АЙНАН ҚАЙСИ ҲУДУДЛАРДА ЮЗ БЕРГАНЛИГИ ҲАМДА УНИНГ ЭПИЦЕНТРИ, ЧУҚУРЛИГИ, МАГНИТУДАСИ РЕХТИР ШКАЛАСИ БЎЙИЧА ҚАНЧАГА ТЕНГ БЎЛГАНИ ХУСУСИДА АҲОЛИГА КЕНГРОҚ МАЪЛУМОТ БЕРИШ ВА ХАБАРДОР ҚИЛИШ МАҚСАДИДА МУХБИРИМИЗ ЎЗ РФА **Ғ.МАВЛОНОВ** НОМИДАГИ СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИНИНГ МАСЪУЛ ХОДИМЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ.

Ўз РФА **Ғ.Мавлонов** номидаги Сейсмология институтининг лаборатория мудири, академик **Қаҳҳорбой Абдуллабеков**:

— Барчани бирдек қизиқтирадиган савол зилзила қандай содир бўлади? Бунга жавобан шундай дейиш мумкин. Ер қатламларида доимо мураккаб кимёвий, физикавий жараёнлар тўхтовсиз бўлиб туради. Булардан биринчиси — солиштирма оғирликларни оғир жинсларнинг доимо пастга, енгил жинсларнинг юқорига бўлган ҳаракати. Иккинчиси — радиоактивлик хосаси асосида бир жинслардан иккинчиларнинг ҳосил бўлиши ёки жинсларнинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиши натижасида энергия ажралди.

Бундай реакциялар содир бўлишига сабаб ернинг чуқур қатламларида жуда катта босим ва иссиқлик мавжудлигидир. Бу ўз навбатида радиоактивлик хосасига асосан бир жинсларнинг иккинчисига айланишига ва иссиқлик энергияси ажралашига олиб келади. Энергиянинг сақланиш қонунига биноан, у йўқолиб

кетмайди. Демак, ҳосил бўлган энергия сарф бўлиши керак. Ҳосил бўлган энергия Ернинг остида жуда катта ҳажмдаги жинсларни ҳаракатга келтиради, худдики у аччанг хамирдек ҳажмини орттиради. Ўз навбатида бу кучлар Ернинг устки қатламларини, яъни Ер қобиғини ҳаракатга келтиради. Демак, зилзилаларни келтириб чиқарадиган асосий куч Ернинг чуқур қатламларида жойлашган. Ер остида ҳосил бўлган энергия жуда катта қийматга, кучга эга. Энергиянинг қанчалик катталигини кўз олдимизга келтириш учун улкан Тянь-Шань, Помир, Кавказ тоғларини, ёки Химолой тоғларини тасаввур қилиб кўрсатиб, бас. Бир сўз билан айтганда, зилзилаларни келтириб чиқарувчи сабаб — ердаги ниҳоятда мураккаб жараёнлар ва ҳаракатлардир. Шунингдек, зилзилалар еримиздаги ҳаракат ва жараёнларнинг махсули бўлиб, улар ернинг маълум қатламларида аста-секин йиғилган қўшимча кучлар таъсирида содир бўлади.

3

## Истиқлол имкониятлари



## ОБОД ОЛМАЛИҚ

янада чирой очмоқда, гўзаллашмоқда, юксалмоқда. Бу ўзгариш ва янгиланишлардан олмалиқликлар қалби қувончга, фахр-ифтихорга тўлмоқда.

4-бет

## ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2013 ЙИЛ 28 МАЙДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

1 Евро	2686,84	1 Дания кронаси	360,92	1 Хитой юани	339,85	1 Туркия лираси	1127,81
1 АҚШ доллари	2081,59	1 БАА дирҳами	566,74	1 Украина гривнаси	260,43	1 Швейцария франки	2160,67
1 Россия рубли	66,47	1 Миср фунти	298,14	1 Малайзия ринггити	686,88	10 Жанубий Корея вони	18,53
1 Австралия доллари	2003,53	1 Испания кронаси	16,81	1 Польша злотийси	641,14	10 Япония иенаси	206,16
1 Англия фунт стерлинги	3146,95	1 Канада доллари	2015,29	1 СДР	3112,33		

\* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.



ЎЗХДП: устувор вазифалар

# ҲУДУДЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИ

*янада кучайишига муносиб ҳисса қўшиш учун партия ташкилотлари, депутатлик бирлашмалари фаолиятини бугунги кун талаблари гаражасига ташкил этиш зарур*

Сўзга чиқанлар ижтимоий-сиёсий ишлар самарадорлигини оширишда партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари ваколати ҳамда салоҳиятидан оқилона фойдаланиш, электротат билан ишлаш, унинг турмуш фаровонлигини юксалтиришда эътиборни кучайтириш зарур бўлган асосий жиҳатларга тўхталиб ўтишди.

— Партиямизга ишонган, уни қўллаб-қувватлайдиган кишилар, хусусан, аҳолининг кўмак-муҳтож қатлами жонли фаолиятимиз орқали ижтимоий ислохотлар самарадорлигини оширишга муносиб ҳисса қўшишимизни истайди, — деди **ЎЗХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши раиси Қуват Курбанбаев**. — Шунинг ўзи зиммамизга ҳар доим жуда масъулиятли вазифаларни юқлайди ва биз буни бир дақиқа бўлсин, унуттишга ҳаққимиз йўқ. Олдимизда турган вазифаларни бажаришда депутатлик гуруҳлари фаолигини ошириш, бошланғич партия ташкилотлари ишини кучайтириш муҳим аҳамиятга эга.

Бошланғич ташкилотларда ўтказиладиган тадбирларда ҳаётий масалалар муҳокамасига кенг ўрин бериш, ижтимоий долзарб мавзуларда учрашув ва давра суҳбатларини кўпроқ ташкил этиш, уларда кўтарилаётган масалаларни депутатлик гуруҳларимиз орқали вакиллик ҳокимияти муҳокамасига олиб чиқишимиз зарур.

— Сиёсий партиянинг салоҳияти кўп жиҳатдан депутатлик гуруҳлари амалга ошираётган ишлар билан белгила-

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

нади, — деди **ЎЗХДП Беруний туман Кенгаши раиси Халилла Ешимбетов**. — Депутатлар қанча фаол ва ташаббускор бўлса, электротат манфаати ҳимоясига шунча кўп ҳисса қўшади.

Халқ депутатлари Беруний туман Кенгашининг 30 нафар депутатидан 18 нафари Ўзбекистон ХДП вакиллари ҳисобланади. Улар ўзи сайланган ҳудуднинг ривожланиш ҳолати, ютуқлари-ю муаммолари-

— Партия ташкилотларини салоҳиятли, ташаббускор кадрлар билан тўлдирish олдимизда турган асосий вазифалардан бири, — деди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Назира Матякубова**. — Сабаби, депутатларнинг ташаббускорлигини ошириш, уларни турли масалаларни кўтариб чиқишига шараф, зарур услубий материаллар билан таъминлаш партия кенгаши ташкилоти-

дан асло ортда қолмаслиги керак. Партиямиз қанчалик самарали фаолият юритаётгани аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами ҳаёти даражасини юксалтиришга, ижтимоий ислохотлар самарасини оширишга қанчалик даражада таъбир кўрсатаётганимиз билан ўлчанади.

Партиямиз Дастури, Сайловолди дастури ҳамда Ҳаракат дастурида белгиланган аниқ мақсадларга эришиш, олдимизга қўйилган вазифаларни сўзсиз амалга ошириш ҳаммамиздан катта масъулият талаб этади. Амалий натижаларга эришиш учун фракция барча даражадаги партия ташкилотлари ҳамда депутатлик бирлашмалари олдида турган устувор вазифалар ҳақида тўхталди.

— Ҳаммамиз гувоҳи, иштирокчиси бўлиб турибмизки, бугун мамлакатимизда барча соҳаларда чуқур ижтимоий-иқтисодий ислохотлар амалга оширилмоқда, — деди **партия етакчиси**. — Буларнинг барчасида халқимизга муносиб турмуш шароитини яратиб бериш, юртимизни дунёнинг энг гўзал, энг обод, аҳолиси тўқ ва фаровон, ёшлари ҳеч қимдан кам бўлмаган мамлакатлардан бирига айлантириш каби эзгу мақсад муҳасам.

Эътибор берадиган бўлсак, кейинги йилларда сиёсий партиялар фаолиятини кафолатловчи, янги ҳуқуқ ҳамда ваколатлар берувчи қатор қонунлар қабул қилинди. Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партияларнинг бугунги имкониятларини бундан 15-20 йил олдинги имкониятлар билан мутлақо таққослаб бўлмайд.

Буни ҳар биримиз яхши тушунамиз ва англаймиз. Шундай экан, бугун партиямиз, унинг депутатлик гуруҳлари фаолияти ана шу ислохотлар-

да. Демак, кадрлар қанча салоҳиятли бўлса, партия кенгашларининг ҳам, депутатлик гуруҳларининг ҳам фаолияти шунга яраша самарали бўлади.

Қишлоқ аҳоли пунктларида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, мазкур соҳага оилавий тадбиркорлик субъектлари ҳамда касб-хунар коллежлари битирувчиларини кенг жалб этиш ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида муҳим аҳамиятга эгадир. Шундай экан, ҳуқуқ ҳамда ваколатларимиздан фойдаланиб, бу йўналишда ҳам ўз таъсиримизни кўрсатишимиз зарур, деб ўйлайман.

Йиғилишда, шунингдек,

**Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари**

## МАҲАЛЛА – ҲАЁТИМИЗНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИ

**Маҳалла халқимизнинг тарихан шаклланган ўзаро ҳамжиҳатлик, бирдамлик ва меҳр-оқибат тимсоли, маълум бир ҳудуддаги аҳолини бирлаштирадиган маскан, мўъжаз бир ватандир.**

**Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари қонцепцияси амалга оширишда маҳалланинг ўрни беқийс. Чунки маҳалла аҳоли ҳаёт тарзи, муаммоларини чуқур биладиган, уларни ечишга, ҳар қандай вазиятда одамларнинг бошини қовуштиришга қодир бўлган бетакрор институт сифатида тан олинади.**

Ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг асосий принциплари ижтимоий адолат, демократия, ошқоралик, инсонпарварлик, маҳаллий аҳамиятга эга масалаларни ечишда мустақиллик, жамоатчилик асосидаги ўзаро ёрдамдан иборат. Мазкур принциплар жамиятимизда сиёсий-иқтисодий барқарорлик ва ижтимоий адолатни қарор топтиришнинг муҳим воситаси сифатида миллий қонунчилигимиздан алоҳида ўрин эгаллаган.

Бу борадаги муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик тобора тақомиллашиб бормоқда.

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган эди. Утган вақт давомида мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланиш ва ислохотлар мазкур қонунни янги тахрирда қабул қилиш заруриятини вужудга келтирди.

Олий Мажлис Сенатининг яқинда бўлиб ўтган навбатдаги XI ялпи мажлиси «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги янги тахрирдаги Қонунни маъқуллади. Қонун ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ташкилий асосларини янада тақомиллаштиришга, маҳаллани аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантиришга, давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш-

даги вазифаларини кенгайтиришга йўналтирилган.

Қонуннинг 10-моддасига асосан, фуқаролар йиғини фаолияти ўзи тасдиқлаган низомга биноан ташкил этилади ҳамда мазкур низомда фаолиятининг барча йўналишлари қамраб олинади.

Шунингдек, шаҳар, қишлоқ, овул фуқаролар йиғини ва улар таркибидagi маҳалла фуқаролар йиғини, фуқаролар йиғини кенгаши, фуқаролар йиғини раисининг ваколатлари мустақамлаб кўйилди.

Қонун билан фуқаролар йиғинининг аҳоли муҳтож қатламларини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари никоҳдан ўтаётганида, тўй тадбирларини ўтказиётганида моддий ёрдам бериш, икки ёшга тўлмаган фарзанди бор ишламайдиган, шунингдек, бюджет ташкилотларида ишлайдиган оналарга ва уларнинг ўрнини босувчи шахсларга нафақалар тайинлаш ҳамда тўлаш ваколатлари кенгайтирилди.

**Қонунга мазкур меъёрларнинг киритилиши инсонпарварлик тамойили бўлиб, Халқ демократик партиясининг дастурий мақсадлари амалга оширилиши, яъни эҳтиёжманд оилаларни манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларга турмуш шароитларини яхшилаш учун қўшимча имкониятлар яратилганда ҳуқуқий кафолатни таъминлайди.**

тириш, тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш учун энг зарурий иқтисодий-молиявий, ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонуний юритилишини таъминлаш, қолаверса, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини янада оширишга хизмат қилади. Айниқса, тадбиркорлик субъектлари ташкил этилиши муносабати билан янги иш ўринлари вужудга келиши, мазкур иш ўринларига ёшлар, касб-хунар коллежлари битирувчиларини жалб этиш имконияти туғилиши маслаҳат маркази фаолиятининг асосий самараси бўлади.

Бундан ташқари, Қонунда фуқаролар йиғинида мажбурий тартибда тузиладиган асосий комиссияларнинг рўйхати белгиланди ҳамда уларга раҳбарлик қилиш, қоида тарихасида, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари зиммасига юклатилди.

Булардан ташқари, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли)нинг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш учун асослар рўйхати тўлдирилди. Бу эса юз бериши мумкин бўлган салбий ҳодисаларнинг олдини олиш ҳамда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли)нинг масъулиятини оширади.

Шунингдек, Қонунда «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси ҳамда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчининг фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор меъёрлар ҳам назарда тутилган.

Умуман, мазкур Қонун ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳаётимиздаги, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришдаги ўрнини янада мустақамлашга, фуқаролик жамиятини ривожлантиришга хизмат қилади.

**Раҳима ҚўРҒОНОВА, Бувойда педагогика коллежи директори, халқ депутатлари Бувойда туман Кенгаши депутати, Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

ЎЗХДП «Фаол аёллар» қаноти

## ОИЛАНИ МУСТАҲКАМЛАШДА

*хотин-қизларнинг муҳим ўрни бор*

**Ўзбекистон ХДП «Фаол аёллар» қаноти томонидан «Мустаҳкам оила – жамият таянчи» лойиҳаси доирасида республика-мизнинг барча ҳудудларида тадбирлар ташкил этилмоқда. Уларда хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, оила ва жамиятдаги нуфузини янада ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари, партия ва маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари иштирокида жойларда хотин-қизларни ўйлантираётган масалалар ўрганилиб, уларни бартараф этиш юзасидан амалий ишлар олиб борилмоқда.

Шундай тадбирлардан бири, Олмазор туманидаги «Аҳил» маҳалла фуқаролар йиғини гузариди «Оила мустаҳкамлигини таъминлашда аёлнинг ўрни» мавзусида ташкил этилди. Тадбирда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, ҳуқуқий билимларини ошириш, иш билан банд бўлмаган хотин-қизларни оилавий тадбиркорлик ва касаначилик фаолиятига жалб этиш, маишй шароитларини янада яхшилаш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

**Гулноза ЭРНАЗАРОВА,**

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,*

*ЎЗХДП фракцияси аъзоси:*

— Обод турмуш йилли Давлат дастури асосида амалга оширилаётган барча ишлар оилалар фаровонлигига, эҳтиёжманд кишиларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга, маҳаллалардаги қўллаб-қувватлашга, маҳаллаларимиз, уй-жой маззеларини обод қилишга қаратилмоқда.

Партиямиз Сайловолди дастурида оилалар, айниқса, ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг шароитларини яхшилаш ва имкониятларини кенгайтириш, барқарор авлодни тарбиялашда оила, асосан аёлнинг ролини ошириш каби масалалар алоҳида ўрин олган. Шундай экан, биз маҳаллаларда электротатимиз вакиллари билан ўтказаятган учрашувларимизда яратилаётган шарт-шароитлар билан

бирга, ечимини кутаётган масалалар ҳақида ҳам фикр алмашаямиз. «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида», «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонунлар, Оила, Фуқаролик ва Меҳнат кодекслари мазмун моҳиятини татбиқ этишга эътибор қаратаямиз.

Иштирокчилар маҳаллалар қошида ҳуқуқий маслаҳатхоналар ташкил этиш, ёшлар тарбиясида ота-онанинг ролини янада ошириш, аёлларимизни касаначилик меҳнатига кенг жалб қилиш бўйича мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликни кучайтириш лозимлиги тўғрисидаги фикрлар ўртага ташланмоқда. Биз депутатлар бундай учрашув ва суҳбатларда қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича тақлиф-мулоҳазалар олаямиз.

**Абдуҳолик ВАҲОБОВ,**

*«Аҳил» маҳалла фуқаролар йиғини раиси:*

— Маҳалламизда 8 мингга яқин аҳоли истиқомат қилад. Маҳалла аҳли асосан ҳудуддаги 19 та қорхона-ташкилот ва муассасада меҳнат қилад. Шунингдек, 3 та тикув цехи ҳамда 12 та хонадонда касаначилик асосида меҳнат фаолияти йўлга қўйилган. Уларнинг аксариятига маҳалламиз хотин-қизлари жалб қилинган.

ЎЗХДП туман кенгаши ва Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза

қилиш маркази билан ҳамкорликда хотин-қизларни иш билан таъминлаш масаласида мунтазам иш олиб борилмоқда. Мана, яқинда яна 2 нафар аёл «Тошкент нон», 4 нафари эса «Орзутех» қорхонасига ишга жойлашди.

Қаердаки, ижтимоий шериклик асосидаги ҳамкорлик яхши йўлга қўйилса, ўша ерда ижтимоий муаммолар ўз-ўзини ечим топади, турмушимиз обод, маҳалламиз тинч, оилаларимиз мустаҳкам бўлади.

**Ноҳира ШАРИПОВА,**

*ЎЗХДП «Фаол аёллар» қаноти*

*Олмазор туман бўлими етакчиси:*

— Оиланинг мустаҳкамлигини таъминлашда аёлнинг ўрни беқийс. Аёли оқила, кенг дунё-қарашли бўлган оила шакл-шубҳасиз мустаҳкам бўлади. Шундан келиб чиқиб фуқаролар йиғини, жумладан, маҳалла маслаҳатчилари билан ҳамкорликда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий билимини ошириш мақсадида қатор давра суҳбатлари ташкил этилди.

Аёлларнинг ижтимоий-маишй шароитларини янада яхшилаш, уй-рўзгор ишларини енгиллаштириш орқали бола тарбиясига кўпроқ вақт ажратишларини таъминлаш мавзусида сўровномалар ўтказилапти. Сўровномалар натижасида маълум бўлган муаммолар маҳаллий Кенгаш депутат-

лари, ҳамкор ташкилотлар ёрдамида ҳал этилмоқда. Хусусан, туманимиздаги «Фалаба» ва «Обод» маҳаллаларида аёллар учун сартарошхона очилишига, 25 нафар хотин-қиз касаначилик, 19 нафари тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйилишига кўмак берилди. Шу йўл орқали ҳам оилаларни мустаҳкамлашга озми-кўпми ҳисса қўшаямиз, деб ўйлайман.

Тадбирда оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда ижтимоий шерикчиликка асосланган ҳамкорликни янада кучайтириш ҳамда «Фаол аёллар» қаноти иши самарадорлигини ошириш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Гулишан АСАТОВА,**  
**ЎЗХДП Марказий Кенгаши масъул ходими.**



# РЕСПУБЛИКАМИЗ ХУДУДЛАРИДА 25-26 МАЙ КУНЛАРИ ЗИЛЗИЛА СОДИР БЎЛДИ

Хусусан, ер шари бўйича асосан 3 та сейсмик камарга бўлинган. Ушбу камарда жойлашган хуудлар сейсмик фаол жойлар ҳисобланади. Булар: биринчиси — Тинч океани, иккинчиси — Урта ер денгизи Осиё сейсмик камари, учинчиси — Атлантика океани сув ости тоғ тизмасидир. Бизнеснинг мамлакатимиз 2-камарга тўғри келганлиги боис, сейсмик фаол хуудга қаради.

Энди кунга кеча бўлиб ўтган иккита зилзила ҳақида тўхталадиган бўлсам, бу юз берган ер қимирлаши кучли зилзила ҳисобланади. Аслида, ер қуррасида бу каби ҳолатлар маълум йиллар давомида жуда фаоллашиб, маълум йилларда сокин бўлади. Мисол учун Урта ер денгизи Осиё

сейсмик камарида маълум бир даврда зилзила кўпроқ бўлиб, маълум даврда сокинлик бўлган. Буни 1897 йилдан 1917 йилгача сейсмик фаол бўлган бўлса, 1917-1934 йилгача сокин. 1934-1952 йилда яна сейсмик фаол бўлган, 1952-1970 йилда эса сокин. 1970-1989 йилда яна сейсмик фаол бўлган бўлса, 1989-1998 йилда сокин. 1998-2016 ва 2018 йилда яна сейсмик фаоллашуви кузатилиши тахмин қилинмоқда.

Шу боисдан ҳам қўшни давлатлар ва мамлакатимизда тез-тез зилзилалар содир бўлмоқда. Энг охириги кучли зилзила Хитойнинг Сичуан вилоятида магнитудаси 9 га тенг бўлган. Ва кўплаб вайронгарчиликларни келтириб чиқарган. Худди шунга ўхшаш зилзила Суматра оролида ҳам бўлган. Очирокроқ айт-

ганда, 2018 йилгача яна худудимизда кучли 2-3 марта зилзила бўлиш эҳтимоли бор.

**Сейсмология институту геодинамика лабораторияси мудири, физика-математика фанлари номзоди Моҳиру Усмонова:**

— 25 май тунги соат 03:18 да рехтер шкаласи бўйича, магнитудаси 5 га тенг зилзила бўлиб ўтди. Аслида уша худудда 24 май кечкурун соат 22:20 да магнитудаси 3 га тенг бўлган кучсиз зилзила бўлиб ўтган. Лекин бу кўпчилик аҳолига унчалик сезилмаган. Ушбу 25 майдаги зилзиланинг эпицентраи пойтахтимиздан жанубий-ғарбий йўналиши бўйича 35-40 километр масофа узоқлигида, яъни Тошкент вилоятининг Пискент, Тўйтепа ва Бука шаҳри оралиғида 6-7 баллга тенг

бўлган ва унинг ўчоғини чуқурлиги 10-15 километр дур. Шунингдек, зилзиланинг таъсир кучи Тошкент шаҳрида 5 баллга, Самарқанд шаҳрида 2 баллга тенг бўлган. Бу зилзила шу худудда бўладиган тектоник жараённинг натижасидир. Ер қимирлаши оқибатида жиддий талфотлар бўлмади ва аҳоли орасида ўлим қайд этилмади. Хаттоки бирон киши жароҳатланиб шифохонага ҳам келмаган. Фақатгина гувала лойдан қурилган эски уйларга зарар етган.

**Сейсмология институту лаборатория мудири, физика-математика фанлари доктори, профессор Турдиали ОРТИКОВ:**

— 26 май кундузги соат 11:08 да рехтер шкаласи бўйича, магнитудаси 6,2 га тенг бўлган зил-

зила содир бўлди. Бунинг эпицентраи Жиззах шаҳрининг шимоли-ғарбидан 56 километр узоқликдаги Самарқанд вилояти Булунгур туманининг тоғли қисми ҳисобланиб, 6-7 баллга тенг бўлган ер қимирлаган. Чуқурлиги 18-20 километр дур. Бу зилзила натижада республикамизнинг бошқа вилоят ва шаҳарлари — Жиззах ва Самарқандда 5 балл, Навоийда 4-5 балл, Олмалиқда 3-4 балл, Андижонда 2 баллга тенг тебранишлар бўлган ва бунда ҳам аҳоли орасидан жароҳатланганлар бўлмаган. Шифохонага ҳеч ким муружат этмаган. Баъзи эскирган биноларга зарар етган, ҳоло. Яна аҳолига шуни маълум қилишимиз мумкинки, янги сейсмик районлаштириш хариталари яратилган. Бу хариталар асосида бунёд этилган иншоотлар ҳар қандай зилзилага бардос бера олади. Шу билан бирга, аҳолининг тўла ҳавфсизлигини таъминлай олади.

**«Ўзбекистон овози» мухбири Таштемир ХУДОЙҚУЛОВ ёзиб олди.**

## Миллий матбуот марказида

# БОЖЖОНА ХОДИМЛАРИНИ

тайёрлаш яна такомиллашмоқда

**Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат божжона қўмитаси органлари учун кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори асосида амалга оширилган ишлар ва Олий ҳарбий божжона институтини ташкил этилганлигининг 10 йиллигига бағишланган матбуот анжуманида Давлат божжона қўмитаси Марказий аппарати ходимлари, Олий ҳарбий божжона институтининг профессор-ўқитувчилари иштирок этди.**

Марказий Осиёда ягона ҳисобланган Олий ҳарбий божжона институтининг иккита факультет — божжона иши ҳамда ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш факультетлари фаолият кўрсатмоқда. Божжона иши факультетининг ўқиш тўрт йил бўлиб, тингловчилар уни тамомлаган, олий маълумот тўғрисида диплом, божжона хизмати лейтенанти унвонини олади ҳамда худудий божжона органлари эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, хизмат қилиш учун ишга юборилади.

Иккинчи факультет эса соҳа ходимларини бошланғич тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун база ҳисобланади. Бундан ташқари, институтда меҳнат фаолиятининг асосида яратилган ахборот технологиялари бўлими билан ҳам ҳамкорлик қилинмоқда.

Институт ўзининг замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланган моддий-техник базасига эга.

Ўқув даргоҳида 10 дан ортиқ махсус компьютер синфлари, жумладан, 2 та интерактив ўқитиш компьютер

синфи, 4 та ягона автоматлаштирилган ахборот тизимларини ўқитиш синфи, 2 та лингафон, 2 та экспорт назорати, божжона назорати, контрабанда ва божжона қоидалари бузилишига қарши курашишни ўргатувчи махсус синфлари, криминалистика лабораторияси ҳамда товарларни кимёвий таркиби асосида таснифлаш имкониятига эга бўлган экспертиза лабораторияси мавжуд.

Шунингдек, ўқув жараёнида чет тилларни ўргатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Йулоччи ташвиш поездлари, автобуслар ва юк машиналарини божжона назоратидан ўтказиш бўйича ўқув майдони мавжуд. Бу тингловчиларнинг рентген-аппаратлар, гиёҳванд моддаларни идентификация қилиш ва радиация назорати воситалари, мураккаб текширув оптикиси каби замонавий техникалар билан ишлаш кўникмаларини эгаллашда муҳим аҳамиятга эга.

Матбуот анжуманида соҳа мутахассислари журналистларнинг мавзуга оид саволларига батафсил жавоб беришди.

**Таштемир МУРОД**

# ПИСКЕНТ, БЎКА:

уй-жойлар ҳам, одамлар ҳам талафот кўрмаган

**25 май кунини тоғ отарга яқин, аниқроғи соат тунги 3:18 да кучли ер силкиниси Тошкент шаҳри ва вилояти аҳлини оёққа турғазди. Одамлар дарҳол ўз яқинларига қўнғироқ қилиб, ҳол-аҳвол сўрай бошлади.**

Тонг отар-отмас интернет сайтларида дастлабки маълумотлар пайдо бўлди: «25 май соат тунги 3:18 да Тошкент шаҳри ва мамлакатимизнинг бошқа худудларида зилзила кузатилди. Айтиш лозимки, ушбу ер силкиниси узоқ вақт давом этиб тургани билан ёдда қолди...»

Зилзила 40.835 даража шарқий кенгликда, Тошкент шаҳридан 41 км жанубий ғарбда, Тошкент вилоятида содир бўлди. 5 магнитудали зилзиланинг кучи 5,5-6 баллини ташкил этди. Горизонтал тебраниш билан кузатилган ер силкинисининг маркази 15,8 км чуқурликда қайд этилди.

**Зилзила марказига яқин жойлашган шаҳарлар:**

9 км — Бўка, 14 км — Пискент, 27 км — Тўйтепа, 25 км — Зафар, 41 км — Тошкент.

Тошкент шаҳрида зилзила кучи 4-5 балл, Олмалиқда — 3 балл, Самарқандда — 2 баллини ташкил этди».

Бу орада турли-туман миш-мишлар ҳам тарқалди. Кимдир тахмин қилиб, кимдир эса атайлаб, ноўрин, асоссиз гапларни кўпайтирди. «Пискентликлар, бўкаликлар катта зиён кўрмадимиз, ишқилиб, одамларга зиён етмадимизми?»... Кўпчиликни шу каби саволлар безовта қиларди.

Ўтган шанба тушдан кейин ва яқшанба кун бўйи муҳбиримиз Пискент, Бука туманларида бўлиб, аҳвол билан танишди. Одамларнинг кайфияти билан қизиқди.

Тошкентдан чиқиб, Пискент — Бўка йўналиши бўйлаб кетаркансиз, асфальт йўлнинг икки четига одатий манзарага кўзингиз тушади: пахтазор, одамлар гўза ниҳолни чопиқ қилмоқда, аҳён-аҳён култивация қилаётган трактор кўзга ташланади. Ора-орада сарғиш тусга кира бошлаган бўғдойзор, кўм-кўк бедазор, богроғлар... Йул-йўлакай қишлоқларда тўхтаб, дуч келган одам билан суҳбатлашамиз, ҳовлиларга кириб, уйлар деворларини кўздан кечирамиз. Пискент туманидаги Мингтепа қишлоқ фуқаролар йиғини худудда 40-ўрта мактаб ўқитувчилари Муқаддам Саматова, Шоҳида Фармонова, Раҳима Қамбарова ва бошқалар билан учрашдик. Уларнинг айтишича, бир-икки жойда ҳовли четига эски девор қулаб тушган, айрим уйларнинг шифтидаги сувоқ қисми ёрилган. Бошқа ҳеч қандай зиён етмаган.

Дарҳақиқат, бунга ўзимиз ҳам гувоҳ бўлдик.

Бука тумани ҳокимлиги етакчи мутахассиси Соҳибжон Орипов ҳокимлик биноси ёнгинасидаги уйда яшар экан.

— Албатта, чўчиб уйғониб кетдик, — дейди у. — Орадан кўп ўтмай раҳбарлар, фаоллар, маҳалла оқсоқоллари ҳокимликда тўпланди. Ҳаммага маҳалла ва қишлоқларни ўрганиб чиқиш топширилди. Кечга яқин яна тўпланиб, муҳокама қилинди. Бирорта уй жиддий зарар кўрмагани маълум бўлди. Фақат айрим уйларнинг деворлари сувоқ қатламга дарз кетган. Баъзи жойларда шифтдан бир-икки парча сувоқ қисми кўчиб тушган.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлими мутахассиси Умида Эгамқулова ҳам ана шу фикрларни тасдиқлади.

Биз айрим маҳаллаларга кириб, бирорта ҳам уйга жиддий зиён етмаганига иқроор бўлдик. «Наврўз» маҳалласидаги намунавий лойиҳа асосида қурилган уйларни кўздан кечирдик.

— Хонадонларимизга жиддий зиён етгани йўқ, — дейди «Наврўз» кўчасида яшовчилардан бири Дилшод Ҳамроқулов. — Баъзи уйлар шифтдан бир-икки қарич сувоқ қатлами кўчиб тушди, ҳоло. Ер эса қаттиқ қимирлади...

Ҳақиқий ҳолат шундан иборатки, Пискент ва Бўка томонларда зилзиладан бирорта уй-жой, одамлар жиддий шикаст кўрмаган. Ҳаёт бир маромда давом этмоқда.

# Qishloq Qurilish Bank




**Бугунги кунда дунёда замонавий ахборот технологияларининг жадал ривожини, ахборот оламининг шиддатлиги ва глобал техник хизмат кўрсатиш имкониятларининг кенгайиб бориши мамлакатимизда фаолият юритаётган тижорат банкларидан ўз миқозлари учун қўлай ва ишончли электрон ҳисоб-китоблар тизимига асосланган банк хизматлари турларини таклиф этишни талаб этмоқда. Айниқса, ушбу жараёнда мамлакатимизда йил сайин амалга бораётган ҳамда ўзининг қўлай имкониятларини намойён этаётган нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг жисмоний шахслар иштирокида электрон тарзда амалга ошириладиган пластик карточкаларга асосланган тўлов тизими муҳим аҳамият касб этмоқда.**

Республикаимизда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар механизмининг ривожлантирилиши, аҳолининг банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда тўловларни амалга ошириш учун кенг имконият ва қўлайликлар яратиб берилмоқда.

Мазкур ишларни амалга оширишда Президентимизнинг «Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ушбу тизим иштирокчилари олдига қатор муҳим вазифаларни қўйган.

Ушбу қарорда мамлакатимизда пул муомаласи тизимини янада такомиллаштириш, нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ривожлантиришни рағбатлантириш ва банкдан ташқари нақд пул айланишини қисқартириш, аҳолининг банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда тўловларни амалга ошириш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш ҳамда илгор банк технологияларини жорий этиш асосида хизмат



кўрсатиш сифатини янада ошириш назарда тутилган.

«Қишлоқ қурилиш банк» очиқ акциядорлик тижорат банки (ОАТБ) томонидан пластик карточкалар тизимини янада жаддаллантириш мақсадида шаҳар ва туман ҳокимликлари, манфаатдор

идоралар, компаниялар, уюшмалар билан биргаликда бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Банк томонидан 2013 йил 1 май ҳолатига кўра муомалага чиқарилган пластик карточкалар сони 243 873 тани ташкил этди.

иш ҳақи лойиҳаларидаги пластик карточкаларнинг улуши 86,4 фоизни ташкил этди. Шу билан бирга, бугунги кунда банк томонидан терминаллар тармоғини кенгайтириш борасида ҳам муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда.

«Қишлоқ қурилиш банк»

# ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАРИ АҲОЛИ УЧУН ҚЎЛАЙЛИК

ОАТБ томонидан 2013 йил 1 май ҳолатига кўра, банк миқозлари таркибидаги 4177 турғун савдо, умумий овуқланган ва пуллик хизмат кўрсатиш корхоналарида электр энергияси, газ, иссиқ ва сувоқ сув ҳамда бошқа тўловларни қабул қилишни ташкил қилиш учун жами 6 318 та терминал ўрнатилган.

Банк томонидан пластик

карточкаларга туну кун хизмат кўрсатишни ташкил этиш мақсадида 26 та инфокиосклар жойлаштирилган. Улар овуқланган ва пуллик хизмат кўрсатиш корхоналарида барча турдаги тўловлар, жумладан, коммунал, уяли алоқа операторлари ва интернет провайдерлар хизматлари учун 24 соат давомида тўловларни амалга ошириш имконияти яратилди.

2013 йилнинг 1 май ҳола-

тига терминаллар орқали қабул қилинган тўловлар сони 4 715,5 мингтани, ўтказилган тўловлар суммаси эса 197,9 млрд. сўмни ташкил этди.

«Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБ томонидан пластик карточкалар орқали хизмат сифатини ошириш мақсадида «Smart-Vista» карточкаларидан фойдаланувчиларга замонавий «SMS-Banking» хизмат тури жорий этилди. Бунда пластик карточкаларга пул маблағлари келиб тушганда ва улар орқали тўлов ўтказилганда шу заҳотиёқ пластик карточка эгасининг уяли телефонига SMS хабар юборилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, реал вақт режимида ишловчи «Smart-Vista» пластик карточкалар билан амалга ошириладиган операциялар учун янада қўлайлик яратиш ва улар орқали хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида Ягона умумреспублика процессинг маркази, «UzMobile» алоқа оператори малакали мутахассислари билан биргаликда CDMA-450 тизимида ишловчи моделларни мавжуд савдо терминалларига улаш ва тўловларни амалга ошириш юзасидан ситновлар муваффақиятли ўтказилган ва банкнинг барча миқозлари ушбу қурилма билан тўлиқ таъминланган. Бунинг натижасида, банк савдо терминалларида «Smart-Vista» пластик карточкаларини тўловга қабул қилишнинг тўлиқ имконияти яратилган.

**Банк ахборот хизмати.**

Реклама ўрнида





Истиқлол имкониятлари

Шоҳмот

**Рустам ҚОСИМЖОНОВ ҒАЛАБА БИЛАН БОШЛАДИ**

Халқаро шоҳмот федерацияси Грециянинг Салоники шаҳрида ўтказилган Гран при мусобақасининг тўртинчи босқичида қатнашган ҳамюртимиз, 17-жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов биринчи турда ғалаба қозонди.



У дастлабки турда америкалик Накамурани 69-юршида мағлубиятга учратди. Кейинги учта турда Бакро, Морозевич ва Каруана билан дуранг ўйнади. Рустам Гран при мусобақасининг Лондон, Тошкент ва Цуг шаҳарларида кечган босқичларини бундай муваффақиятли бошламаган эди. Кеча у бешинчи турда Домингесга қарши дона турди.

Хозирча қатнашчилар тўрт тур ўйинларидан кейин тўплаган очко ва қўшимча кўрсаткичларига кўра, мусобақа жадвалида куйидаги тартибда ўқи олишган: Александр Морозевич (Россия), Александр Гришчук (Россия), **Рустам Қосимжонов (Ўзбекистон)**, Фабиано Каруана (Италия), Гата Камский (АҚШ), Веселин Топалов (Болгария) ва Ленвер Домингес (Куба) — 2,5 тадан очко; Руслан Пономарев (Украина) — 2; Петр Свидлер (Россия) ва Этьен Бакро (Франция) — 1,5; Хикару Накамур (АҚШ) — 1; Василий Иванчук (Украина) — 0,5 очко.

Гран при мусобақасининг тўртинчи босқичи 3 июнь кўни ниҳоясига етади.

Асрор МҮМИН

**ОБОД ОЛМАЛИҚ**

янада чирой очмоқда, гўзаллашмоқда, юксалмоқда. Бу ўзгариш ва янгиланишлардан олмалиқликлар қалби қувончга, фахр-ифтихорга тўлмоқда

**М**иллий иқтисодий қудрати ҳисобланган гигант корхоналар жойлашган ҳудудларда бунёдкорлик, ободонлаштириш суръати жуда баланд. Қўнғирот сода заводи, Навоий кон-металлургия комбинати, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, «Шўртаннефтьгаз» унитар шўъба корхонаси, Асака автомобиль заводи, Олмалиқ кон-металлургия комбинати...

Дарҳақиқат, бундай йирик ишлаб чиқариш мажмуаларига мос замонавий инфратузилма, фаровон турмушимизни акс эттирувчи аҳоли турар-жойлари, қишлоқ врачлик пунктлари, мактаб ва коллежлар, мухташам спорт иншоотлари, сервис хизматлари тизими шаклланди.

Бугунги мақоламизда Олмалиқ кон-металлургия комбинати очiq ақциядорлик жамияти томонидан амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ҳақида ҳикоя қиламиз.

Олмалиқ шаҳар марказига кириб борар экансиз, юксакликлар узра ҳилпирлаётган мустақил давлатимиз рамзи — байрогимизга кўзингиз тушади... Ватан остонадан бошланади. Зеро, эл-улуснинг ҳаёти, турмуш маданиятига қараб, мамлакат қудратига баҳо берилди.

Яқинда Олмалиқ кон-металлургия комбинати жамоаси томонидан «Халқлар дўстлиги» хийбони барпо этилди.

Унинг тантанали очилиш маросимида нурунийлар бу хайрли ишларнинг бошида турганлар ҳақида дуолар қилишди. Кишин-ёзин ям-яшил бўлиб турадиган арчалар, мини-футбол ва баскетбол майдонлари, айвончали ўриндиклар, болалар ўйин майдончаларидан иборат бу хийбон бир зумда одамлар билан тўлиб-тошди.

— Биз шаҳар марказидан бироз бўлса-да узокроқда яшаймиз, — дейди «Тошкент» маҳалласидан Санобар Йўлдошева. — Авваллари кечки сайл, дам олиш кунларини қаерда ўтказишни билмасдик. Мен бир она сифатида юртимиздаги тинчлик, бугунги фаровон кунлар учун, энг аввало, Президентимизга ташаккур билдиришман. Шаҳримизда мана шундай қўрқам масканлар қурилиши бошида турган комбинат раҳбариятидан ва қурувчилардан миннатдоримиз.

— 11-умумтаълим мактабининг 7-синфида ўқийман, — дейди Мадина Эргашалиева. — Спортнинг волей-



бол тўғарагига қатнашаман. Мен ва тенгдошларим маҳалламизда янги майдон қурилганидан жуда хурсандимиз. Энди бўш вақтимизда футбол, волейбол ўйнаймиз. Яқинда «Металлург» ўйингоҳида тўпланган кончи-металлургия, жамоатчилик вакиллари Ўзбекистон кончилиги ва металлургия саноати ходимларининг касб байрамини нишонлашди.

Шу кунги ишлаб чиқариш илгорлари бўлган бир гуруҳ кончи ва металлургиячиларга вилоят ҳокимлигининг қимматбахо совғалари, комбинат раҳбариятининг қўқрак нишонини, пул мукофотлари топширилди.

Тинчлик ҳукмрон бўлган мамлакатда обод, файзли масканлар қад ростлаб бо-

раверлади. Яқинда мўъжазгина Олмалиқ шаҳрида замонавий «Дельфин» аквабоғи тантанали равишда очилди.

Боққа киришингиз билан бир жуфт фаворадан ён-атрофга сочиллаётган зилол сув кишига ҳузур бахш этади. Эни 4 метр, узунлиги 350 метр бўлган «дарё»чада болалар ва катталар чўмилиши учун шароитлар муҳайё. Болалар сувга сакрайдиган мосламалар, оилавий ўтирадиган субонлар, бассейн, салқин ичимликлар ва музқаймоқ кафе-терийси... Кўйинги, ҳавас қилса арзийдиган барча шарт-шароит яратилган.

Бу ерда хордиқ чиқариш учун келганларга махсус кийиниш хоналари мавжуд.

ҳам, келажакда маҳалламиз, шаҳримиз, мамлакатимиз ободлигига ўз ҳиссаларини қўшишларига ишонаман...

«Дельфин» аквабоғининг очилиш тантанасидан сўнг театрлаштирилган томошалар кўрсатилиб, боғ ёнидаги майдонда «Қувнок стартлар» мусобақалари ҳам бўлиб ўтди.

Олмалиқда байрамлар байрамларга уланмоқда. Шу кунларда «Металлург» маданий маркази ҳудудида комбинатнинг кон ва корхоналари томонидан кўргазма ташкил этилди. Бу ерда корхоналарнинг махсулотлари, ишчилар ясаган буюмлар, макетлар кўргазмаси бўлиб ўтди.

— Бугун биздаги энг замонавий техника ва техно-

логияларни кўриб, чуқур ўйга толаман, — дейди **Ўзбекистон Қаҳрамони, меҳнат фахрийси Жонсаид Турдиев**.

— Бундан йигирма-ўттиз йил аввал бундай қудратли машиналарни бошқариш нари турсин, улар тушимизга ҳам кирмасди. Биз қолоқ, ҳеч қандай шароитга эга бўлмаган техникаларда жонимизни хатарга қўйиб, ноилжликдан ишлар эдик. Бугун эса мана шундай ўта замонавий ва ҳайбатли машиналарни маҳаллий ёш кадрларимиз бошқараётганини кўриб ич-ичдан қувонасан, киши.

— Ёшларга эътибор, келажакка эътибор, деб бежиз айтилмаган, — дейди **Олмалиқ Кончилиги касб-хунар коллежи ўқувчиси Нодира Камолитдинова**. — Ҳозир коллежимиз ўқувчилари комбинатнинг кон ва корхоналарида амалиёт ўтаётяпти. Бизга у ерда малакали мутахассислар касб-хунар сирларини ўргатишмоқда. Коллеждан корхонага таълим олишга амал қилинб, бизнинг нафақат келгусидаги иш ўрнимиз, балки ҳаётдаги ўрнимиз ҳам бугундан белгилаб қўйилган. Қолгани эса ўз қўлимизда.

Олмалиқдаги «Ёшлар боғи»да маҳаллий фольклор ансамбллари чикишлари, шашка-шахмат, стол тенниси, аркон тортиш, кураш, армрестлинг каби спорт ўйинлари ҳамда болалар истироҳат боғида болажонларнинг санъат фестивали бўлиб ўтди. Шунингдек, олийгоҳ талабалари, касб-хунар коллежлари ва мактаб ўқувчиларининг санъат ва хунармандчилик асарлари намойиш этилди.

— Шаҳримиз кейинги йилларда тубдан ўзгариб кетди. — дейди **Олмалиқ шаҳар «Нуруний» жағғармаси раиси, Абдураҳим Шодиев**.

— Айниқса, ижтимоий-маданий соҳада катта ўзгаришлар бўлди. Обод турмуш йилида комбинат бунёдкорлари томонидан кўпбал маданий-маърифий масканлар бунёд этилди. Бир ёнда «Олтин олма» хийбони, бир ёнда «Болалар боғи», яна бир ёнда «Ёшлар боғи».



**MUASSIS:**

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**Bosh muharrir: Safar OSTONOV**

**TAHIR HAY'ATI:**

Abdulla ORIPOV	Murodilla ABDULLAYEV	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	Ulug'bek MUSTAFOYEV	Farruh HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihidin	(Bosh muharrir 1-o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochiiboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

**BO'LIMLAR:**

Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49; Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqliq targ'ibot — 233-12-56; Sport va vatanparvarlik — 233-44-55; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kothibat — 233-72-83.

**MANZILIMIZ:**

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaga manzilli: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 546  
16380  
nuxsada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220 t — Tijorat materiallari O'ZA yakuni — 21.30 Topshirilgan vaqti — 23.30

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: **Obiddin MAHMUDOV**

Sahifalovchi-dasturchilar: **Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV**

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5